



20 20 у « 5 » июнь

№ Қ-248

« ___ » _____ 20__ г

**Термиз тумани “Каттақум” массиви
Нурафшон маҳалласи худудидан
“Limonzor Agro” хусусий корхонасига
“Иссиқхона биноси”ни қуриш учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/256-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 201/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/256-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.
2. Термиз тумани “Каттақум” массиви Нурафшон маҳалласи худудидан “Limonzor Agro” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 105қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майdonи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. “Limonzor Agro” хусусий корхонаси раҳбари А.Мухиддиновга:
ажратилган ер майdonидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майdonи туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.
4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майdonи ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

DEVONXONA



Т.Боболов